# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Илдизи тарихан бир, ришталари умумий бўлган мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг келажакда ҳам ўзаро фойдали асосларда давом этишига ишонаман. Бу ҳамкорлигимиз мамлакатларимизнинг ҳам, минтақамизнинг ҳам барқарорлиги ва фаровонлигига ҳисса қўшади, деган фикрдаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Зоти Олийларига саломатлик ва бахт, дўст ва биродар ўзбек халқига фаровонлик ва омонлик тилайман.

**АҲМЕТ НЕЖДЕТ СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистоннинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Зоти Олийларини ва Сиз орқали ўзбек халқини энг самимий тилакларим билан табриклайман.

Туркия Ўзбекистон билан муносабатларига алоҳида аҳамият беради. Икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг бундан кейин ҳам муваффақиятли тарзда ривожланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Зоти Олийларига саломатлик ва бахт, дўст ва биродар ўзбек халқига тинчлик, фаровонлик ва омонлик тилайман.

**РЕЖЕП ТАЙЙИП ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Бош вазири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикасининг давлат байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Давлатингиз мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Словакия Республикаси Евроатлантика интеграциявий тузилмаларига аъзо бўлиб киргандан кейин ҳам биз давлатларимиз ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни чуқурлаштириб бораверамиз ҳамда бу муносабатларга кўпроқ эътибор берамиз.

Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига гуллаб-яшнаётган давлатни барпо этишда улкан муваффақиятлар тилайман. Сизга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**ИВАН ГАШПАРОВИЧ,**
**Словакия Республикаси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингиз Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Греция халқи ва шахсан ўз номимдан самимий ва илиқ табрикларни йўллаган ҳолда, чин қалбдан ўзбек халқига фаровонлик ва тараққиёт ҳамда шахсан Сизга бахт-саодат тилайман.

**КОНСТАНТИНОС СТЕФАНОПУЛОС,**
**Греция Республикаси Президенти.**




*Маҳаллийлаштириш дастури — амалда*

# «Сурхонтекс» дунёга танилмоқда

***Бугунги кунда республикамизда 140 га яқин йирик саноат корхонаси, 30 дан ошиқ фабрика юқори унум билан ишлаб турибди. Улардан бири — Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасидир.***

Нигора Абдураимова эса шу қўшма корхонанинг пешқадам ишчиларидан. Корхонага яқин жойда — «Соқчи» деб аталадиган қишлоқда яшайди. Урчуқни, ўрмакни, калава тароқни ишлата олади. Болалигидан бу ҳунарга уни момоси ўргатган. Ҳозир ҳам бўш вақтларида толани урчуққа айлантириб ўрайди. Қўшма корхонада кунига 7 тоннадан ошиқ, унинг таъсисчиси ҳисобланган «Сурхон текстил»да эса бир тоннадан зиёд калава ишлаб чиқарилаяпти.

Нигора билан унинг иш жойида суҳбатлашамиз.

— Беш йилдан буён шу ердаман, — дейди ёш ишчи. — Ҳали-ҳалигача бизда, тўғриси, эски русумдаги йигирув, тўқув машиналари ишлатилар эди. Машиналарнинг тарақа-туруқи, шовқин-сурони юқори эди. Чанг кўтариларди. Мана, бугунги иш ўрнимизни кўринг: ҳаво ҳароратини мўътадил сақловчи ускуналар мавжуд. Полдан тортиб иморатимизнинг шифтигача ялтиллайди. Ёғ тушса, ялагудек. Толани титадиган, уни калава қилиб ўрайдиган, тўқийдиган машиналаримиз Германия ва Чехия давлатларининг «Трючлер», «Шляфкорет», «LTG», «Елитекс» фирмаларида тайёрланган ва соатдек шовқинсиз ишлайди. Бу — мустақиллигимиз шарофати. Сабаби — Истиқлол йилларида пахтамизни қайта ишлаш саноати юксалди. Янги дастгоҳлар, янги шароитлар, ҳатто бизнинг қарашларимизни тубдан ўзгартириб юборди.

Нигора ва унинг дугоналари, ҳамкасблари Лола Абдуллаева, Муҳайё Ўрозова, Суннат Жумақулов, Азим Расуловларнинг бугун бағрилари тўлиб, фахрланиб ўз ишлари ҳақида гапиришлари бежиз эмас. Чиндан ҳам, Американинг «Business Research in vectments» (BRI) фирмаси ҳамда Жарқўрғоннинг «Сурхон текстиль» акциядорлик жамияти таъсисчилигида бунёд этилган, йилига 4200 тонна ип (калава) ва 10920000 погон метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бу қўшма корхонанинг шу йил баҳорида ишга туширилиши Сурхондарё вилоятида катта воқеа бўлди.



— Дунёда пахта толасини қайта ишлайдиган юқори унумли технология бугун бизнинг измимизда, — дейди корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Жуманазар Қодиров. — Қўшма корхонанинг бунёд этилиши бизнинг экспорт салоҳиятимизни оширди. Жарқўрғонда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқ билан тайёрланаётган маҳсулотимиз жаҳон бозорларининг тўридан ўрин олмоқда. Келгусида биз пишиқ мато ишлаб чиқариш, унга гул босиш технологияларини ҳам ўзлаштирамиз. Шунда маҳаллийлаштириш дастури тўлиқ рўёбга чиқарилади. Ва «Сурхонтекс» жамоаси эса Ўзбекистонимиз шуҳратини оламга ёйишдек эзгу ишга муносиб улуш қўшиб бораверади.



**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

***Нуробод туманидаги «Саҳоба ота» ширкат хўжалиги чорвадорлари ўтган йили мавжуд 20042 бош совлиқдан 22612 бош соғлом қўзи олишганди. Бу — ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 120 тадан қўзи тўғри келади, дегани. 2004 йил баҳорида эса бундан-да юқори кўрсаткичга эришилди. Ўз навбатида ана шу натижалар хўжаликнинг ҳам, чорвадорларнинг ҳам иқтисодий имкониятлари яхшиланишига хизмат қилаяпти.***

## *Даромадга яраша буромад*

**— Бултур жами 93 миллион сўм соф фойда олгандик, — дейди бошқарув раиси Раимузоқ Усанов. — Бу фойда ҳисобидан 6 нафар илғор чўпонга мукофот тарзида енгил машиналар олиб берилди. Чорвадорлар уйи, 600 ўринли мактаб қурилди. Саҳоба қишлоғида эса қишлоқ врачлик пункти, иккита артезиан қудуғи барпо этилди.**

**Мустақиллик байрами арафасида бу ерда 25 миллион сўм маблағ ҳисобига замонавий спорт мажмуаси ҳам қурилиб, ишга туширилди. Футбол стадиони, волейбол ва баскетбол майдончалари, сузиш бассейнидан иборат ушбу мажмуа энди чорвадорлар фарзандлари ихтиёрида бўлади.**

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маҳаллада байрам тадбири

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Янги камолон" маҳалласида байрамларни нишонлаш анъанага айланган. Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами арафасида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда дастлаб туман ҳокимлиги номидан маҳалла ишида фаол иштирок этаётган кишиларга фахрий ёрлиқлар топширилди. Сўнгра кам таъминланган оилалар аъзолари бир пиёла чойга таклиф этилиб, уларга дастурхон ёзилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## *Мустақиллик дарсларида*

Янги ўқув йили Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўзгача руҳда бошланди. Мурод Шарифхўжаев ва Фахри Раҳимовларнинг «Даврни белгилаб берган инсон» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уни академик, университет ректори Саидаҳрор Ғуломов очиб, китобнинг яратилиши маънавий ҳаётимизда катта ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

## *«Маънавият куни»да ўрганилган китоб*

Китобга муаллифларнинг «Труд» газетасида чоп этилган мақолалари жамланган. Асарда мустақил республикамизнинг тарихан янги қиёфаси публицистик идрок этилади, Президентимиз Ислом Каримовнинг сиёсий портретига чизгилар берилади. Шунингдек, шаклланиб келаётган истиқлол мафкурасининг назарий масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Миллий мафкурани шакллантириш бўйича муайян тизим ва уларни ҳаётга татбиқ этиш тамойиллари ёритилади.

Шуни эътироф этиш жоизки, китобнинг кириш қисмида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси президентларининг мамлакатлар истиқболи ва дўстона ҳамкорликлари ҳақидаги қимматли фикрлари баён этилган.

Янги ўқув йилининг бошланишида «Маънавият куни» ўтказилиши муносабати билан Президентимиз Ислом Каримовнинг сиёсий фаолиятига бағишланган «Даврни белгилаб берган инсон» номли китоб мазмуни барча талабалар, профессор-ўқитувчилар ва ходимларга таништирилди.

Университетда ўтказилган «Мустақиллик дарси»нинг асосий қисмини мазкур китобни ўрганиш ташкил этди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Сессия акс-садоси*

# ИЖРОДАН СЎЗЛАБ, ЭРТАНИ КЎЗЛАЙМИЗ

***Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XV сессиясида Давлат бюджети билан боғлиқ иккита масала: жорий йил олти ойликдаги ижро ва келгуси йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда бюджетнинг параметрлари биргаликда муҳокама қилинди. Молия вазири С. Раҳимов маърузасида ҳам, сўзга чиққан депутатлар нутқларида ҳам 2005 йилга оид стратегик мақсадлар ҳақидаги мавзу устуворлик қилди.***

***Шундай бўлиши ҳам табиий, албатта. Босиб ўтилган йўлга баҳо берилгач, эртанги кун марралари белгиланади. Келинг, шу маънода масалага «Давлат бюджети оддий одамга нима беради?» деган нуқтаи назардан ёндошиб кўрайлик.***

Маърузада айтилишича, Давлат бюджетининг даромадлари ҳисобот даврида 1306,4 миллиард сўмни ёки йиллик режага нисбатан 49,8 фоизни ташкил этган. Бюджет даромадларининг таркибида бевосита солиқлар бўйича белгиланган даромад режаси бажарилиб, ушбу солиқ тури бўйича жами тушумлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 14 фоизга кўпайган. Бевосита солиқлар бўйича тушумлар 327,4 миллиард сўмни ташкил этган ва уларнинг жами бюджет даромадларидаги салмоғи ўтган йилнинг I ярим йиллигидаги 26,5 фоиздан 25 фоизгача пасайган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши бюджетга ундириладиган даромад солиғининг салмоғини камайтириш ҳамда даромадларнинг солиққа тортишни пасайтириш устуворлиги амалда қўлланилаётганлигини кўрсатади.

2004 йилда юридик шахсларга даромад солиғи ставкаси 20 дан 18 фоизгача камайтирилган, савдо соҳасидаги кичик корхоналар эса ялпи тушумдан ягона солиқ ўрнига ялпи даромаддан солиқ тўлашга ўтказилган эди. Ўз навбатида шуни таъкидлаш лозимки, даромад солиғи ставкасининг 2 фоизга пасайтирилиши корхоналар ихтиёрида қоладиган, ўз айланма маблағларини тўлдириш ҳамда ходимларнинг иш ҳақини оширишга йўналтириладиган маблағларнинг ҳисобот даврида 9,1 миллиард сўмга кўпайишига олиб келди.

Хусусан, кичик корхоналардан ягона солиқ бўйича тушумларнинг кўпайишига 2003 йил 30 августдаги Президент Фармонига мувофиқ ўрта корхоналарнинг 2004 йилдан кичик турдаги корхоналар таснифига ўтказилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, ҳисобот даврида кичик корхоналардан ягона солиқ бўйича тушумлар 33 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоизга кўпайди.

Жисмоний шахсларга солиқ юкини енгиллаштириш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида солиққа тортишнинг юқори ставкаси 32 дан 30 гача ва ўртача ставкаси 22 дан 21 фоизгача пасайтирилишига қарамасдан жорий йилнинг 6 ойи мобайнида ушбу манба бўйича бюджет даромадлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоизга кўпайди. Натижада, жисмоний шахслардан даромад солиғи бўйича белгиланган режа тўлиқ бажарилиб, тушумлар 156 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида Давлат бюджетининг даромадлар бўйича ижросига якун қилиб айтганда, даромадлар режаси Давлат солиқ қўмитаси бўйича 103 фоизга, Давлат божхона қўмитаси бўйича эса 104 фоизга бажарилди. Ўз навбатида барча ҳудудларда белгиланган даромадлар режаси ошириб бажарилди ва маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрида 27 миллиард сўм маблағ қолдирилди ва бу манбалар бюджетда кўзда тутилмаган ижтимоий-маънавий, ободонлаштириш каби тадбирларга ишлатилмоқда.

2004 йилнинг 1-ярим йиллигида Давлат бюджети маблағлари жорий харажатларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш билан бир қаторда Олий Мажлис ҳамда мамлакатимиз Ҳукумати томонидан белгилаб берилган муҳим ижтимоий ва иқтисодий тадбирларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатлари 1246 миллиард сўмни ёки йиллик Давлат бюджети режасига нисбатан 45,4 фоизни ташкил этди.

***Давлат бюджети харажатларининг таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг етакчи ўрни сақлаб қолинган ҳолда, улар 592,4 миллиард сўмни ёки бюджет жами харажатларининг 47,5 фоизини ташкил этди.***

Шундан маориф муассасаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника ва ўқув базасини яхшилашга 347 миллиард сўм ажратилди.

Жумладан, маҳаллий бюджетлардан мактабларни капитал таъмирлаш учун 5,4 миллиард сўм ва болалар боғчаларини капитал таъмирлашга 1,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, таъмирдан чиққан мактабларга ва болалар боғчаларига мебель олиш учун 3,8 миллиард сўм молиялаштирилди.

Ўз навбатида умумтаълим мактабларининг 616,5 минг нафар 1-синф ўқувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг 2-9-синф ўқувчиларини бепул дарсликлар билан таъминлаш ҳамда кутубхона фондларини тўлдириш учун 7,5 миллиард сўм ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчиларини бепул қишки кийим-бош ва пойабзал билан таъминлашга 6 миллиард сўм ажратилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув-лаборатория, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини харид қилиш учун 8,8 миллиард сўм, китоблар ва бошқа ўқув қўлланмаларини харид қилишга 1,5 миллиард сўм йўналтирилди.

Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш тизими харажатларига бюджетдан 118,6 миллиард сўм ажратилган бўлиб, шундан 105 миллиард сўми маҳаллий бюджетлар ҳисобига тўғри келади. Шундан касалхоналар ва шу каби муассасаларни капитал таъмирлаш учун маҳаллий бюджетлардан 4,2 миллиард сўм молиялаштирилди.

«Меҳр ва мурувват йили» дастурида белгиланган тадбирларни молиялаштириш ҳам изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, ижтимоий ҳимоя ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадларига 96,8 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шундан 2 ёшгача боласи бор оналарга ва болали оилаларга ижтимоий нафақалар учун 74,5 миллиард сўм, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплашга 10,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Ижтимоий соҳанинг бошқа жабҳалари ҳам ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилди. Масалан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига, илм-фан муассасаларига ва маданий-маърифий тадбирларга 25,5 миллиард сўм бюджет маблағлари харажат қилинди.

Ҳисобот даврида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу харажатлар 159 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, шундан қишлоқ хўжалиги тармоқларини молиялаштиришга 130 миллиард сўм, жумладан, сув хўжалиги молиялаштиришга 113,3 миллиард сўм йўналтирилди.

***Шу билан бирга, ҳисобот даврида Давлат бюджети ижросини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, иқтисодиётнинг барча бўғинларидаги ижобий ўзгаришлар, корхоналар молиявий аҳволининг яхшиланаётганлиги, аҳоли даромадларининг кўпаяётганлиги йиллик даромад режасини ошириб бажариш учун барча имкониятлар борлигини кўрсатади.***

Даромадларнинг етарли тушуми эса режалаштирилган барча харажатларни тўлиқ молиялаштиришга ва бюджет тақчиллигини янада камайтиришга имкон беради.

2005 йил Давлат бюджети лойиҳасига асос қилиб олинган солиқ сиёсати иқтисодиётга солиқ юкини янада камайтириш, солиқ тизимини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар билан бир қаторда, иқтисодий жиҳатдан асосланмаган ва кам самарали солиқ имтиёзларини бекор қилиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришларида уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширишга қаратилган.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ экспортга маҳсулот жўнатилганда корхоналар учун қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкаси белгиланган. Лекин экспорт қилувчи корхоналар ички бозорда хомашё маҳсулотларини сотиб олганларида қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар. Натижада экспортчи корхонанинг маълум миқдордаги айланма маблағлари муомаладан чиқиб қолади. Шу сабабли ҳамда экспортни янада рағбатлантириш, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарнинг маблағларини қисқа муддатларда қайтариб беришни таъминлаш учун қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий фарқни бюджетдан тиклаб бериш механизмини жорий этиш назарда тутилмоқда.

2005 йил Давлат бюджети лойиҳасида режалаштирилаётган харажатларни шакллантиришда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Аввало бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендия, ижтимоий нафақалар, шунингдек, ҳарбий хизматчиларга тўловларни инфляция даражасига нисбатан юқори бўлган миқдорларда ошириш. Шунга биноан келгуси йилда ушбу мақсадларга қўшимча равишда 106,0 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, жорий йилда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ўқитувчилар, айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари иш ҳақига бир қатор устама ва қўшимчалар киритилди. Келгуси йилда бу соҳадаги харажатлар учун қўшимча 55,0 миллиард сўм йўналтириш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари 2005 йил 1 сентябридан халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткаси механизмига ўтиш мўлжалланган ва бу тадбир билан боғлиқ харажатлар ҳам бюджет лойиҳасида ҳисобга олинган.

Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг қандай ўсишини қуйидаги мисолда кўриб чиқайлик.

***Агар жорий йилнинг 1 августидан 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчисининг маоши 46427 сўм бўлса, кейинги йилнинг шу даврида бу ўқитувчи 83603 сўм маош олади ёки бир йилда унинг иш ҳақи 80 фоизга ошади.***

Ўз навбатида республика Президентининг фармойишига мувофиқ тузилган махсус ишчи гуруҳи врачлар ва бошқа соғлиқни сақлаш ходимларига иш ҳақи тўлашни такомиллаштириш юзасидан иш олиб бормоқда. Бирламчи ҳисоб-китобларга кўра ушбу тадбир учун қарийб 50 миллиард сўм маблағ керак бўлади ва бу билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам бюджет лойиҳасига киритиб қўйилди.

Юртимизда ҳар бир фуқаронинг ҳаёти мактаб билан боғлиқ, десак адашмаймиз. Биримизнинг фарзандимиз, яна биримизнинг набирамиз мактабга боради. Ўз тақдирини ўсиб келаётган авлод истиқболида деб билган халқимиз учун мактаб муқаддас маскандир. Давлатимиз раҳбари, ҳукуматимизнинг мактаб таълимини ривожлантириш масаласига янгича талаблар асосида ёндошаётгани келгуси йил бюджети параметрларида ҳам акс этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури» таълим-тарбия соҳасидаги мақсадларимиз, вазифаларимиз ва амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларни батафсил очиб берган. Ушбу Дастурга мувофиқ 2004-2009 йилларда 325 та янги мактаб бинолари қурилади, 2313 таси реконструкция қилинади ва 3769 таси капитал таъмирланади ҳамда улар замонавий ўқув-лаборатория, компьютер синфлари, ўқув мебели ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Бундан ташқари, бюджет жорий харажатлари ҳисобига мактабларни дарсликлар билан таъминлашга, ўқитувчиларнинг малакасини оширишга 5,7 миллиард сўм ажратиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, ушбу дастурни амалга ошириш доирасида халқаро молиявий ташкилотлардан кредитлар, грантлар ва ҳомийлардан маблағлар жалб этиш мўлжалланмоқда.

Ўз навбатида, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш доирасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини дарсликлар, лаборатория ва ўқув ишлаб чиқариш жиҳозлари билан таъминлашга, инженер-педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш харажатларига 26,6 миллиард сўм ажратиш режалаштирилмоқда.

Умуман, маорифга бўлган давлат эътиборини бу соҳага ажратилиши режалаштирилаётган бюджет маблағлари миқдоридан ҳам кўришимиз мумкин.

***Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастурига 2005 йилда режалаштирилган 123 миллиард сўмдан ташқари, келгуси йил маориф соҳасини таъминлашга 919,4 миллиард сўм ёки Давлат бюджети жами харажатларнинг 28,4 фоизи миқдорида маблағ ажратиш таклиф қилинмоқда.***

Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган маблағларнинг жами бюджет харажатларидаги етакчи ўрнини янада мустаҳкамлаш Давлат бюджети лойиҳасининг яна бир устувор йўналишидир. Кейинги йилда ушбу харажатлар 1702 миллиард сўмни ёки жами бюджет харажатларининг 52 фоизини ташкил этиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида тадбирларга бюджет лойиҳасида 341 миллиард сўм ажратиш белгиланган. Бу маблағларнинг салмоқли қисми соғлиқни сақлаш муассасаларини капитал таъмирлашга, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъмирлашга ҳамда ходимларнинг малакасини оширишга йўналтирилади.

Ўз навбатида 2005 йилда фан, маданият, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий таъминот харажатларига — 76 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиши белгиланмоқда.

Давлат бюджети лойиҳасида кейинги йилдаги Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Олий Мажлиснинг ташкил этилиши билан боғлиқ харажатлар ҳам кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сенатини ва Қонунчилик палатасида фракцияга эга бўлган сиёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштириш режалаштирилган.

Ўз навбатида фуқаролар ўзини ўзи бошқарув идораларининг мавқеи ва жамиятимиздаги ролини ошиб бораётганлигидан келиб чиққан ҳолда 2005 йил Давлат бюджети лойиҳасида улар фаолиятини молиялаштириш учун 19,2 миллиард сўм ажратиш белгиланган.

2005 йилгача ҳали тўрт ойча вақт бор. Мамлакат парламентининг август ойидаёқ келгуси йил Давлат бюджетининг параметрлари ҳақидаги масалани муҳокама қилиши олий давлат ҳокимиятида узоқни кўзлаб ишлаш тажрибаси таркиб топганлигини кўрсатади. Бундай ёндошув келажакда эзгу мевалар бериши муқаррардир.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2004 йил 14-18 июнь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф кунларида Ху Цзиньтао жаноблари Ўзбекистон тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Бу бежиз эмас эди, чунки музейдан энг қадимги даврлардан то ҳозиргача Ўзбекистон-Хитой маданий алоқаларини кўрсатувчи кўплаб экспонатлар жой олган.***

# ҒАРБ билан ШАРҚ учрашган диёр

## ёки «Буюк Ипак йўли» тарихидан лавҳалар

Музей залларида сўз тарихимиз, Хитой ва Ўрта Осиё цивилизациялари, улар ўртасидаги алоқалар, «Буюк Ипак йўли» тўғрисида борарди.

Суҳбат, савол-жавоблар чоғида мен, иттифоқо тарих илмидаги бир кашфиётни англадим: қадимги Ғарб — Рим, Афина дунёнинг энг шарқий чегараси деб Ўрта Осиё ҳудудларини, худди шунингдек, Шарқ-Хитой эса «ғарбий мамлакатлар» деб айнан бизнинг диёримизни билар эдилар. Демак, Ўзбекистон Ғарб билан Шарқ учрашган диёр, икки дунёнинг яқинлашувида, инсоният цивилизацияси яхлитлигида Ўрта Осиёнинг хизмати буюкдир.

Дарҳақиқат, Ғарб-Европа ва Шарқ-Осиё цивилизацияси қачон бир-бири билан учрашди? Айниқса, Узоқ Шарқнинг тимсоли бўлган Хитой цивилизациясини дунё қачон таниди?

Тарихга мурожаат қиламиз.

Милоддан аввалги VI-V асрларда яшаган юнон тарихчиси Гекатей «Ернинг кўриниши» асарида Осиё, Шарқ дунёсининг таърифини берган. Юнонлар Ҳиндистоннинг ғарбий ҳудудлари ва Помир тоғларини Осиёнинг чегараси сифатида, у ерлардан шарқда эса ҳаёт йўқ, қоронғулик ва зулматдан иборат чексиз Океан деб тасаввур қилишган.

Худди шунингдек, Гекатейдан ярим аср кейин, милоддан аввал V аср ўрталарида ўзининг «Тарих» асарини яратган, тарих илмининг отаси номи билан машҳур бўлган Геродот ҳам Хитойнинг борлигини билмас эди. «Қуёш чиқишидаги биринчи халқ, бу — ҳиндулардир, уларнинг шарқроқ ҳудудлари қумли саҳролардан иборат бўлиб, у ерларнинг қандайлигини ҳеч ким айта олмайди», — деб ёзади Геродот.

Лекин юнонлар ва Рим тарихчилари бизнинг юртимизни — «Бактрия», «Хоразм», «Сўғдиёна», «Мароканда», «Ксениппа», «Наутака», «Сисиметр қояси», «Саклар», «Окс ва Яксарт», «Оксиарт ва Равшанак»ларни дунёга машҳур қилдилар.

Демак, минг йиллар давомида Ғарб дунёнинг шарқий чегаралари деб бизнинг юртимиз ҳудудларини билган.

Хуллас, Хитой цивилизацияси узоқ асрлар давомида ташқи дунёдан ажралган ҳолда мустақил ривожланди. Ушбу алоҳидалик ҳатто милоддан аввалги VI-V асрларда яшаган Конфуций фалсафасида ҳам ўз аксини топди. Унга кўра, дунёнинг асоси «мутаносиблик ва номутаносиблик»лардан иборат бўлган. Бу нима дегани? Конфуций тилга олган бу тушунчалар дунёга эмас, фақат Хитойга тааллуқлидир.

Мутаносиблик, бу Хуанхэ ва Янцзи дарёлари ҳавзаларидаги унумдор ерлар ва у ерларда жойлашган ўтроқ деҳқонлар бўлиб, номутаносиблик эса воҳанинг шимолий ва ғарбий чегараларидаги қумли саҳро ҳамда даштлар, у ерларда умргузаронлик қиладиган кўчманчи чорвадорлар эди. Бу икки дунё бир-бирларига қарама-қарши қўйилган эди ва шу сабабдан ҳам уларнинг ўзаро муносабатлари аксарият даврларда тинимсиз жанглар тарихидан иборат бўлди.

Хитойнинг «Ғарбий мамлакатлар»ни кашф қилиши «Буюк Ипак йўли»нинг очилиши билан узвий боғлиқдир.

1872 йили Германияда, немис географи Фердинанд Пауль Рихтгофеннинг «Хитой» асари нашрдан чиқди ва ушбу китобда илк бор «Буюк Ипак йўли» атамаси тилга олинди. Немис олимининг нияти оқлигиданми ёки бутун дунё географлари тилининг учида турган атамани жойига қўйиб, ўз вақтида айтганиданми — «Буюк Ипак йўли» атамаси тез орада оммалашиб кетди ва тарихда абадий қолди.

«Буюк Ипак йўли» қачон ва қаерда шаклланди? Ушбу саволга жавоб қидириш учун бир-бири билан боғлиқ икки воқеликни эслашни жоиз деб биламан.

Биринчи воқелик. Милоддан аввалги II асрда Янцзи ва Хуанхэ дарёлари оралиғида вужудга келган Хань давлати куч-қудратга тўлаётган бир даврда, «Самовий империя» тузиш ниятида ён-атрофига ҳамла қилаётган ҳукмдор «сирли Ғарб» ўлкаларига Чжань Цзянь номли шахсни элчи ўрнида жўнатган. У 13 йиллик сафардан сўнг, милоддан аввалги 126-йили омон-эсон император саройига қайтиб келди. Сўзсиз, Чжан Цзян жуда истеъдодли ва ўта синчков шахс эди.

Шу сабабдан, жосуслик вазифасини ўтаган элчининг, ҳатто бирор бир диққат-эътиборга арзигулик икир-чикирлар ҳам четда қолмаган ҳисоботидан император У-ди ва сарой аҳли ҳайратга тушди. Илк бора «Самовий империя» аёнлари сирли, афсонавий «Ғарб мамлакатлари» — Давонь (Фарғона), Кан (Сўғдиёна), Канцзюй (Хоразм), Дася (Бактрия), Аньси (Парфия), Шэнду (Ҳиндистон) давлатлари ҳақида ажойиб-ғаройиб ҳикояларни эшитдилар. Айниқса, Чжан Цзяннинг Фарғонанинг бўйи икки метрдан ошадиган баҳайбат, ўта бақувват, елдек учадиган «самовий отлар»и тўғрисидаги ахбороти ҳаммани ҳайратга солди. Чунки Хитой аҳли ўша даврларда одам минганида чавандознинг оёғи ерга тегиб турадиган, ҳарбий юришлар у ёқда турсин, ҳатто кундалик ҳаётда ҳам ҳеч вақога ярамайдиган пакана, митти пони отларини билар эди, холос. Бу ахборот, айниқса, император У-дини қизиқтириб қолди.

Иккинчи воқелик. Император У-ди шимолдан мамлакатга таҳдид солиб турган туркий Сюань қабилаларига қарши курашишда ва юрт сарҳадларини кенгайтиришда муваффақият қозонишнинг ягона имконияти, бу — ўз армиясини Фарғона отлари билан қуроллантириш эканлигини дарҳол тушунди. Ва уларни сотиб олиш учун олтин пуллар билан ғамланган катта савдо карвонини Ғарбга — Давоньга жўнатди. Бу воқелик милоддан аввалги II асрнинг сўнгги чорагида юз берди, шу даврдан эътиборан мамлакатлараро савдо йўли илк бора давлат назоратида мунтазам ишлай бошлади ва у сўнгроқ «Буюк Ипак йўли» номи билан тарихга кирди.

Шу тариқа, Хитой ўзи учун Ғарбни — Ўрта Осиёни кашф қилди.

Юқорида зикр қилинган икки воқелик трансконтинентал савдо йўлининг очилиши учун бир турткисабаб эди, холос. Аслида, бу муаммо моҳиятга бориб тақалади.

Унга кўра, дунёда бирор бир жамият, миллат, давлат якка ҳолда, бошқалардан ажралиб ривожлана олмайди. Буни амалга оширишнинг фақат иккита йўли бор, холос. Биринчиси — ҳарбий юришлар, яъни уруш. Иккинчиси — маданий-маърифий ҳамкорлик, яъни тинчлик. Иккинчиси барчага маъқул.

Милоддан аввалги II минг йиллардаёқ Ўрта Осиёдан — Бадахшондан лазурит мунтазам равишда Хитойга етказилиб турилган. «Буюк Ипак йўли» фаолият кўрсата бошлагандан сўнг икки буюк, қўшни цивилизациялар — Ўрта Осиё ва Хитой алоқалари ниҳоятда фаоллашиб кетди.

Самарқанднинг анжири, шафтолиси, оқ узуми, Фарғонанинг узуми, бодринги, анори, бедаси Хитойда маданийлаштирилди ва кенг етиштириладиган бўлди. Хань, айниқса, Тань сулолалари даврида салтанат саройларида сўғдлик ва шошлик мусиқачилар ҳамда раққосаларнинг санъати оммалашиб кетди. Ўз навбатида, Хитойдан Ўрта Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга чинни, пилла, шойи, чой, шоли, қоғоз, марварид, симоб ва доривор ўсимликлар кириб келди.

Милодий эрамизнинг I-II асрларга келиб Кўҳна дунё — Британ оролларидан тортиб то Тинч океанигача бўлган ерлар фақат тўртта, лекин жуда буюк салтанатлар таъсир доирасига бўлинди: Ғарбда Рим империяси, Шарқда Парфия, Кушонлар империяси ва Хань империялари эди.

Ушбу империялар қанчалик ҳарбийлашганлигидан қатъи назар, жуда мураккаб ўзаро сиёсий, ҳарбий, савдо ва маданий йўналишларда мулоқотлар ўрнатдилар.

Эрамизнинг I-II асрларида яшаган римлик географлар Помпоний Мила, Плиний ва Клавдий Птоломейларнинг асарларида энди дунёнинг шарқий чегараси «сер»лар мамлакати билан тугар эди. «Сер»лар мамлакати, бу — Хитой ва хитойликлар дегани эди. Чунки римликлар ипакни «серикум», уни етиштирганларни «сер»лар, яъни «ипакли одамлар» деб номлашар эди.

Ўз навбатида, Римда ясалган шиша ва кристалл буюмлар, зебу зийнатлар ҳам савдо йўли орқали узоқ Шарққа етиб келди. «Буюк Ипак йўли» сўқмоқларидан савдо карвонлари билан қўшилиб ғоялар ҳам ҳаракатга келди. Худди шу даврларда Эски Термиздаги қоратепалик миссионерлар, аждодларимиз бутун Ўзбекистон оша Хитойга будда динини олиб кирдилар.

Айниқса, Тань империяси гуллаб-яшнаган даврларда (VII-IX асрлар) «Буюк Ипак йўли»даги энг машҳур бозор Самарқандда бўлиб, энг моҳир савдогарлар эса суғдликлар эди. Шу сабабдан ҳам суғд тили халқаро савдо тили вазифасини ўтаган.

Сўнгра, бутун тарих давомида, «Буюк Ипак йўли»нинг инсоният цивилизацияси тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини чуқур ҳис қилган ҳукмдорлар, уни ўз диққат марказларида ушлаб турдилар. Чунки у эзгуликка, тинчликка, ободончиликка хизмат қилади. Айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматларидан бири шуки, унинг даврида «Буюк Ипак йўли» бениҳоя даражада ривож топди.

Тарихий Ўзбекистон ўзининг географик ўрнига кўра, цивилизацияси, маданиятининг моҳиятига кўра Ғарб билан Шарқ ўртасида буюк марказ вазифасини ўтади, уларни яқинлаштирди, бирлаштирди. Шу сабабдан ҳам Шарқ ва Ғарбга оид бўлган умуминсоний қадриятлар миллатимиз қалбида баробар акс этган, диний, маданий, этник бағрикенглигимиз узоқ тарихий илдизларга эгадир.

XX асрда, Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов дунё аҳли олдида «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклаш ғоясини илгари сурди. Ва бу йўлда беҳад улуғ ташкилотчилик қилди.

Қисқа вақт ичида ушбу миссия ўз мевасини берди. «Буюк Ипак йўли» ғояси дунё миқёсида обрў-эътибор топди. Халқаро савдо ва иқтисод ривожланишининг асоси бўлиши билан бир қаторда, миллатлар, давлатлар ва цивилизациялар мулоқотига, тинчликка, Шарқ ва Ғарбнинг яхлит дунё эканлигининг эътирофига қайтадан хизмат қилмоқда. Бу улуғ йўлнинг Амир Темурдан кейин қайтадан жонланиши кўп жиҳатдан бевосита Йўлбошчимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлиб, унинг ана шундай буюк хизмати тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолади.

**Темур ШИРИНОВ, профессор.**

Setco Telecommunication System
112-53-53, 112-54-54, 112-55-55, 134-50-40.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ДИРЕКТОРСКАЯ **МИНИ-АТС**
**SETEX ST - D4440**

- **Оперативная связь "директор – секретарь"**
- **Ведение разговора без поднятия трубки**
- **Конференция до 40 участников**
- **Вызов одного или группы абонентов нажатием одной кнопки**

**Конфигурация**
- **2 директорских пульта**
- **4 городские линии**
- **8, 24 или 40 внутренних абонентов**



АППАРАТУРА ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ
• Монтаж "под ключ" • Сервисное обслуживание
• Техническое сопровождение • Гарантия 1 год



ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН, УСЛУГИ ЛИЦЕНЗИРОВАНЫ

9612R/1775

O'zLotto
**"ЎзЛотто" лотереяси 37-тиражининг**
ҲИСОБОТИ.

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли "O'zLotto 6\40" телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 37 25 38 14 23 35

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 28 август

**Йиғилган ютуқлар:**

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5та тўғри топилган сон учун | 265 150 | 1 | 265 150 |
| 4та тўғри топилган сон учун | 265 150 | 22 | 12 052 |
| 3та тўғри топилган сон учун | 928 025 | 247 | 3 757 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 4 сентябрь куни ўтказилади.

**Кейинги тиражнинг ЖЕК-ПОТ суммаси:** 100 000 000 сўм

**Тўкин ҳаёт сари!** Хизматлар лицензияланган
Тошкент, Ниёзбек йўли 24, тел. 136-70-69

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

JAPAN Official Development Assistance

# "Let's study in Japan!"

# JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2005-2006)

Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.

The objective of JDS Program is to provide nationalities of Uzbekistan with opportunities for academic research at Japanese higher educational institutions (hereinafter referred to as "universities") in order to support the Government of Uzbekistan in its efforts to facilitate its own plans for human resource development, specifically for transition to market economy. And thereby it extends and enhances the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.

The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others who intend to contribute to the socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master degree within the designated period of study.

Under this Program, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for Master levels.

1. **QUALIFICATION AND REQUIREMENTS FOR APPLICANT**
   (1) Nationality: Applicants must be citizens of Uzbekistan
   (2) Age: Applicants must be between 22 and 34 years old (including) as of April 1st, 2005
   (3) Work experience:
   Applicants are required to have more than 2 years of work experience after getting Bachelor degree, recorded in Workbook, at the time of application.
   For those who are applying for the field of Business Administration, more than 3 years of work experience after getting Bachelor degree, recorded in Workbook, are required at the time of application.
   (4) Academic Background: Applicants must hold a Bachelor degree. As for the following universities, there are specific requirements:
   (a) Those applicants for Nagoya University in Law, it is **necessary** to have basic knowledge of Laws and **preferable to** hold a Bachelor degree in Law.
   (b) Applicants for Kyushu University in Public Policy and Administration are **preferable** to hold a Bachelor degree in political sciences or equivalent of social sciences.
   (c) Applicants for Ritsumeikan University in Information Technology, it is **preferable** to have basic knowledge of Information Technology and a degree of Bachelor in related field.
   (5) Study field: 1. Law
   2. Public Policy and Administration
   3. Economics
   4. Business Administration
   5. Information Technology
   6. Engineering
   (6) Degree to be obtained: Master degree (basically, 2-2.5 year-course)
   (7) English Proficiency Level for Master course in Japan: As for the language level, it depends on each field of each university and it is different. For details, see attached to the Application Form section 2 "For your Information".
   (8) Health: Applicants must be in good mental and physical health. (Applicants will undergo a medical check-up in Tashkent during selection.)
   (9) Language of instruction: English
   (Even for those applicants who wish to obtain degree in English, minimum Japanese language knowledge will be required. Therefore, applicants who passed the final selection must participate in Pre-departure Japanese Training in Tashkent for about two months.)
   (10) No applicants who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a Bachelor / Master degree under any kind of scholarship program shall be eligible for application. Military personnel registered on the active list or Persons on alternative military service shall be INELIGIBLE for admission.

2. **TENTATIVE SCHEDULE OF JDS PROGRAM**
   (1) Time of commencement of preparatory Japanese training: Middle of April 2005 (Every weekday, full-time basis, in Tashkent)
   (2) Time of arrival in Japan: Early July 2005.

3. **APPLICATION PROCEDURE**
   Applicants should submit the JDS Application Form accompanied with necessary documents (detailed description is provided in "Application Documents" enclosed to the Application Form) to JICE JDS Project Office in Uzbekistan.

4. **APPLICATION DEADLINE: AT 17:00 ON OCTOBER 15, 2004**
   Applications must be received by JICE JDS Project Office in Uzbekistan ONLY
   1) 12A, U.Nasir St., Tashkent (Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30).
   2) P.O.Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office))
   **Applications received after the deadline will not be considered.**

5. **FOR MORE INFORMATION, YOU CAN ACCESS TO INTERNET, THE FOLLOWING WEBSITE:**
   JDS Homepage **http://www.jds.uz (You can download Application Form from our homepage.)**
   Reference telephone (Monday to Friday 10:00 to 12:30, 15:00 to 17:00 until October 15, 2004)
   139-15-60/139-15-67 (JICE JDS Project Office in Uzbekistan)
   (We may not answer the details of scholarship itself, selection criteria and so on.)

## JDS SEMINAR

On 10th of September will be organized a Seminar related to JDS Program for the purpose of providing participants with related information on study in Japan. Thereto three professors from Japanese accepting Universities will come to Tashkent.

Seminar schedule:

| | | |
|---|---|---|
| **Date:** | | **10th September 2004 (Friday)** |
| Place: | | DEDEMAN HOTEL, (Amir Temur Str., C4, No7/8, Tashkent) Conference Hall "Silk Road" |
| Language | | English (without translation) |
| 9:00~9:30 | | Registration |
| 9:30~13:00 Academic Seminar | Seminar 1 | "The Linkage between Contemporaneous Policy Issues, History and Theory — How JDS is working at IUJ-IDP" by Professor Shinichi WATANABE from International University of Japan |
| | Seminar 2 | "A Square Relationship between Relative Income and Price Levels among Countries and its Microeconomic Interpretations" by Assistant Professor Yuichiro YOSHIDA from International University of Japan. |
| | Seminar 3 | "From Human Resource Management to Human Capital Management" by Professor Hiroyoshi UMEZU from Waseda University |
| 13:00~14:30 | | Lunch break |
| 14:30~17:00 Information Session | | Outline of JDS (Video) Presentation on experience in Japan by JDS fellows Comments from professors and work places of JDS fellows Question and Answer session |
| 17:00~17:30 | | How to fill out Application Form for applicants (by JICE) |

**To participate in JDS Seminar, pre-registration is required. E-mail registration is also acceptable.**
**Your E-mail message should content: your name, name of organization to which you belong, your telephone number and E-mail address.**

**For further information and registration, please contact JICE JDS Project Office in Uzbekistan.**
**Tel: 139-15-60/139-15-67**
**E-mail: jiceuz@rol.uz**

